

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqa boshlagan

№ 39 (7.032). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йил 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.  
Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизқитирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.  
Музокара якуллари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришига имконият яратди.

риш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётгани. Чорва мол боқадиган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига кириштириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермахсул чорва мол билан, омхта ем ва ширани озука билан таъминлаш борасидаги ишлар қоникарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омилли сифатида чорва молларни, энг аввало, қорамол боқадиган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилган ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш билан банд бўлган жистарчилик ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоиз миқдорда ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқадиган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилган фуқароларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда меҳнат дафтариликларини очиш ва юриштириш, меҳнат органларида ҳисобга олиш, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини белгиласин.

2. 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқуллансин, унда: минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамолларни сунъий учритиш пунктлари тармоғини кенгайтириш; зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида аукционлар орқали сотиш назарда тутилган.

Дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз баҳарлилигини таъминлаш учун шахсий маъсулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Исмоилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.



● 23 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.  
● Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида "Пекин - ҳаракатда" мавзуда фотокўргазма очилди.  
● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида "Ўзбекистон - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида" мавзусидаги илмий-амалий семинари доирасида "Миллий истиқлол гоёси - Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашнинг назарий ва маънавий асослари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.  
● Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган "Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.  
● Хоразм вилоятининг Турфан ва Шовот туманлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг ўнлаб олис қишлоқлари Наврўз байрами кунларида Туюлқўйин-Урганч магистрал сув тизимидаги марказлаштирилган сув тармоғига уладди.  
● Наврўз байрами кунларида Наманган тумани Ирвадон қишлоғида вилоят болалар шифохонаси тўлиқ реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилди.  
● Тошкент автомобил йўллари институтида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муаммолари ва истиқболга бағишланган семинар бўлиб ўтди.  
● Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.  
● Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида "Ассалом, Наврўз!" кўргазмаси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

**Президент соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловига бу йил 10 йил тўлди. Шу боис бу галги танлов иштирокчиларини республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ишбилармонларнинг қувончлари чексиз.**

### "ТАШАББУС-2006":

## Изланганга толе ёр

Чунки бизнинг иштирокимиз кўрик-танловнинг 10 йиллик юбилейига тўғри келди, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси босқичида "Энг яхши фермер" йўналишида "Ташаббус" кўрик-танловига раҳбари Сарсенбой Сейтназаров. Фермер хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, жами 667 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Балиқчиликка иxtисослашган қўлимиз, 200 бош қўй-эчкимиз бор. Ўтган 2005 йили гектардан 45 центнердан пахта етиштириб, ялли ҳосил 180 тоннага етди, 300 тонна бугдўй, 717 тонна шоли маҳсулотларини давлатга сотдик. Дастлаб 6 хил маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирга келиб маҳсулот турлари 11 тага етди. Рақибларимиз қатори биз ҳам яхши ният қилиб турибмиз: якуний босқичда голиб бўлайлик деб...

сий мақсади мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий тармоқнинг улуғини оширишга кўмаклашишдан иборат. Қолаверса, илгор тадбиркорларнинг тажрибаларини омдалаштириш, мулкдорларнинг касбий маҳоратлари ва билим даражаларини янада кўтариш учун кенг имкониятлар яратиш ҳам кўзда тутилган. Хўш, ўтган 10 йил мобайнида бунга нечоғли эришилди? Очигини айтиш керак, кўрик-танлов ўз мақсадида эришди. Негаки, бугунги кунга келиб республикамизда юридик шахсларнинг сони 310 мингдан ошиб кетди. Уларнинг мамлакат йилда ички маҳсулотига ўтган 2005 йилдаги улуғи 38 фоизга етди. Келгусида бундан ҳам ошishi кўтилмоқда. Қолаверса, ўтган давр давомида 100 мингдан зиёд хусусий ва ички бизнес вакиллари ушбу кўрик-танловда иштирок этганлигининг ўзбек "Ташаббус" юртимиз ишбилармонларининг бошини қовуштира олганлигини кўрсатади.

Танлов ташкилий қўмитаси вакиллари айтишларича, бу сафарги мақсадга эришилди. Туман, шаҳар ва вилоят босқичларида "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши хунарманд" йўналишлари бўйича голиб топилган 41 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари "Ташаббус-2006"нинг республика босқичида иштирок этишди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўрик-танловга бу йил айрим йиллардагидан фарқи ўлароқ, "Ташаббус"нинг якуний босқичи икки кун давом этадиган бўлди. Биринчи кун, яъни 23 мартда "Ўзқўргазмасавдо" мажмуасида сўнгги босқич иштирокчилари маҳсулотларининг кўргазмаси очилди. Кўргазма бугун куннинг иккинчи ярмигача давом этади. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, бундан қўзланган мақсад - кўргазмага имкон қадар аҳолини кенгроқ жалб этиш. Масаланинг иккинчи томони - хайрат аъзолари қатнашчилар фаолияти билан чуқурроқ танишиб, холис баҳолаш имкони тугилади.

### Кўрик-танлов



## Ҳаяжонли лаҳзалар, аммо...

AFC CHAMPIONS LEAGUE advertisement featuring images of football players and a trophy.

### КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

GAZ advertisement for trucks and vans. Includes text: "Россия Федерацияси "ГАЗ" марказининг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM plus компанияси". Images of various GAZ vehicles.

## Икки хил тарбия — икки хил тақдир

Анчадан бери бир мавзу устида бош қотириб келаман. Лекин ёзишга журъатим етмайди. Негаки, ёзмақчи бўлган одамларимни кўпчилик танийди, болачақалари, қариндош-уруғлари бор. Бунинг устига инсоннинг бу беш кунлик дунёдаги умри бир хилда кечмас экан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргача ва мактаб ёшидаги бола...

си Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга, энг аввало, мактаб...

лардаги эҳтиёжманд кўп болали оилаларга қорамолини бепул бериш шартлари тўғрисида буйича фермер хўжаликлари...

корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омикта эм, шў жумладан, шартномалар буйича фермер хўжаликлари...

вожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналар...

қабул қилиниши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 23 март

Мутахассис тавсияси

Фалла ҳосилдорлигини ошириш, сифатли дон олишда экинни зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифадир.

жойидан бошқолар кесиб олиниб, трипс личинкалари саналади. Мабодо бошқоларнинг ҳар бирида 40-50 тадан личинка топилса, кимёвий ишлов ўтказиш керак.

Фалла майсаларини зараркунандалардан асрайлик

Мутахассислардан пухта биламга эга бўлиш талаб этилади. Бунинг учун улар фалла асосий зараркунандаларини биоэкологик ҳусусиятларини яхши билишлари керак бўлади.

бошқоқдаги ўртача сони дастлабки даврда 5-10 тага, дош ҳосил бўлиш палласида эса 20 тага етганда кимёвий усул...

Пьявица - шилмишқ кўрт кўнғизлари одатда март, апрел ойларидан тухумдан чиқиб, баргинг юмшоқ қисмини еб, унинг қоғирлаб қуришига сабабчи бўлади.

Фаллазорга олтин кўз фойдали дон этилимай қолади ва ҳосил камаяди. Бу ҳашаротнинг ургучиси 200 тагача тухум қўяди.

Фаллага трипслар ҳам жиддий зарар келтиради. Унинг ранги қора ёки тўқ кўнғир, личинкалари оқ қизил тусда бўлади.

Н. МАМУДХҲҲАЕВ, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи.



Ўз билганидан қолишмади

Ироқда уруш бошланишидан аввалроқ Садам Хусейн сафдошлари орасида АҚШ марказий раёвдака бошқармаси (МРБ)нинг ишончли одами бўлган.

ЭТА тинч йўлни танламоқчи

Испанияда ҳаракат қилувчи бассчилар айирмачи гуруҳи ЭТА қуролларни ташламоқчи. Гуруҳ вакиллари "Гара" газетасига берган интервьюларида айтилишича, жоқорларга чек қўйиш ва бир неча ўн йиллардан буюн давом этиб келаётган тортишувларни тинч йўл билан ҳал этиш вақти келди.

Инқироз гирдобиди

Буюк Британиянинг лейбористлар партияси мөлийвий инқирозга юз тутмоқда. Аини дамда партиянинг 23 миллион фунт стерлинг миқдориди қарзи борлиғи айтилмоқда.



Жанубий Осетиянинг хоҳиши

Жанубий Осетия республикаси Россия таркибига киришни хоҳлайди. Республика президенти Эдуард Кокойтнинг таъкидлашича, Жанубий Осетиянинг бунга ҳаққи бор.

1774 йилда Осетия Россия империяси таркибига киритилгани тўғрисидаги ҳужжатлар сақланиб қолганин, аммо унинг жанубий қисми Россиядан ажратиб олинишига ҳеч қандай расмий қайд этиб қўйилмаган.

Кутилаётган "синовлар"

АҚШда ўтган йили содир бўлган "Катрина" тўфонидан-да кучли офат Нью-Йоркда ҳам юз бериши мумкин. Америка метеорологлари мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишмоқда.

Чақалоқларда не гуноҳ?

Шимолӣй Кореяда деярли ногирон одамлар учрамайдди. Чунки бу давлатда нуқсон билан туғилган чақалоқлар ўлдириб юборилди.



Ўтган йили Пешку туманида "Пешкутукс" Ўзбекистон - Белоруссия қўшма корхонаси иш бошлади. Ип-калава ишлаб чиқарадиган бу корхонада 140 нафар киши меҳнат қилади.

Қашқадарё томонларда

Бахшилар беллашуви

Чироқчи туманида "Бахшили эл - яхшили эл" фестивали ўтказилди.

Унда Самарқанд, Сурхондарё ва қашқадарёлик ўн етти бахши ўз чиқишлари билан мухлисларни хушнуд эттишти.

Фестивалда "Энг кекса бахши" йўналиши буйича қашқадарёлик Ўзбекистон халқ бахшиши Шомурод Тоғев, "Бахшилик санъатини изчил давом эттиргани учун" йўналиши буйича самарқандлик Ўзбекистон халқ бахшиши Зиёдулла Исмолов, "Мухлис олқиши" йўналиши буйича сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиши Абдуқаҳор Раҳимов ва бошқалар голиб, деб топилиб, фахрий ёрлик ҳамда рангли телевизор билан тақдирланишди.

"Мавсумга ҳозирмиз"

Айни вақтда қашқадарёлик чорваларлар учун массулыати палла - тул мавсуми бошланди. Қорақўлчилик, наслчилик хўжаликларига бу йилги мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун пухта ҳозирлик қилинди.

427 та отарда очик ва ёпиқ кўтонлар, қўзиланган совликларни алоҳида сақлаш учун иссиқ хоналар тайёрланди. Ҳар бир отарга қўшимча ишчи кучи, мутахассислар жалб этилиб, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

САМАРҚАНД (ЎЗА мухбири А.ҚАШИ-ЕВ). Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

рожаат қилган бўлса, уларнинг аксарияти доимий иш билан таъминланди. 31 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишлариға жалб қилинди, 167 нафариға тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилди.



Сувнинг ҳар бир томчиси сув. Агар сув қадри, унинг тириклик, ризқ-рўз манбаи эканлигининг мазмун-моҳиятиға етсак, ана шу томчида, сув заррасида ҳам барҳаётлик маъжудлигини англаб етамиз.

Кейинги пайтларда сувни тежаб, исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам беҳудда кўтариляпти.

Хабар Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

Мамлакатимизда сув стратегик аҳамиятга эга ресурс ҳисобланади. Чунки мавжуд сув ресурсларининг асосий қисми иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи аграр соҳа эҳтиёжи учун сарфланади.

Сув ресурслари чекланганлиғи ҳаммамизға яхши маълум. Сувдан тежаб-терғаб фойдаланишни эса даврнинг ўзи таъқозо қилмоқда.

Сув ҳўжалиғи мутахассислари иштирок этган семинарда таъкидланганидек, фермер хўжаликларида сувни тақсимлаш, ирригация-мелиорация шохобчаларини ушлаб туриш ва таъмирлаш, айниқса, фермерлараро сув тақсимлашда қийин вазиятларга дуч келинмоқда.

Сув ресурслари чекланганлиғи ҳаммамизға яхши маълум. Сувдан тежаб-терғаб фойдаланишни эса даврнинг ўзи таъқозо қилмоқда.

Ф.БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ризқ-рўзимиз манбаи исроф бўлмасин

лиги ташкилотлари, жумладан, СФУ билан унинг азоси бўлган ва бўлмаган сувдан фойдаланувчилар ўртасида иқтисодий ва теъқор муносабатларни ўрнатиш ва ҳоказо масалаларға ечим топади.

тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадға мувофиқ. Фермер хўжалиқлари СФУға бирлашилмаси, айрим муаммоларға дуч келиши, яъни фермерлар ўртасида сув учун тушунмовчилик келиб чиқиши ва зовур тармоқларнинг каровсиз қолиб кетиши, бунинг оқибатида ана шу тармоқлар ишдан чиқиши мумкин.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг мажбуриятлари ҳам бор. СФУ ўз азозларига белгиланган норма ва лимитлар асосида сув етказиб берилишини таъминлайди ва назорат қилади, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун ўз таркибиди ишлаб чиқариш органларини ташкил этади, суғориш-мелиоратив тармоқларини таъминлаш ва ишға яроқли холатда сақлаш буйича маълум ишларни амалға оширади, гидрометеоролог тармоғи (ГМТ), ускуна ва техникаларни техник ҳимоя қилиш, суғоришнинг назорат қилади, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға қўмақлашади, сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқариш ва ажратилган лимитни ҳисобға олиб, уни қайтадан қўриб чиқариш, СФУ хизмат кўрсатиш тарифларини белгилайди ва уларни тасдиқлаш учун СФУнинг умумий мажлисиға тақдим этади, сувдан фойдаланувчилар ўртасида сувни тақсимлаш тўғрисидаги ахборотларни оқимла тарқатади ва ундан барча фойдаланувчилар хабардор бўлишини таъминлайди, хўжалик ички суғориш ва зовур-захш тармоқларини қайта тиклаш буйича зарур тадбирларни амалға оширади.

Суҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган бўлса, айнан СФУлар хозирғи кўнда фермер хўжалиқлари учун зарур. Лекин СФУлар хозирғи кўнда ўз техник базасиға эга бўлиши лозим. Шундай экан, СФУлар давлат грантлари, имтиёзли кредитлар, лизинг компаниялари орқали техник базасини мустаҳкамлаш учун имтиёзлар яратиб бериш зарур.

Хўқуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил этиш тартиби тасдиқланди. Бу ҳарвон ҳамон давом эттирилмоқда. Бирок, очиниғи айтиш керакки, ҳалиға-җа мазкур уюшманинғ нима мақсадда таъзиланганлиғидан, вазиқларини нима-лардан иборат эканлиғидан, унинг қандай вақолат доирасида иш юритилишидан беҳабар фермерлар ҳам бор. Шу боис бу борада тарғибот ва ташвиқот,

Суҳи тежаб, албатта, ҳар қайси тушундиган одам учун халқ бойлиғини асраш, ризқимиз манбаини уюл қилмаслик, дегани аслида. Бугунги тараққийимиз, айниқса, аграр соҳадаги ривожланиш сувни тежаб-терғабға боғлиқ эканлиғини ҳис қилсақ, бу борада ҳўқумат миқдосида қилинаётган саёй-ҳаракатлар беҳиз эмаслиғини англаб етамиз. Сувнинг томчисини дур, заррасини явоҳир, деб билган деҳқон эса ҳеч қачон ютказмайди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ



Бозор инфратузилмасининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган банк тизими мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ўзига хос ўрин тутади. Ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда тижорат банкларининг фаол иштироки иқтисодий ўзгаришларнинг янада самарали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг йирик ва барқарор ривожланаётган молиявий ташкилотларидан бири - Республика акциядорлик тижорат банки "Фаллабанк" бошқа молиявий муассасалар қатори иқтисодиётда, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган тўб ўзгаришларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Маълумки, юртимиз иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги муҳим ва етакчи урин тутади. Айниқса, бу соҳада сўнгги йилларда ўтказилаётган ислохотлар қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида бозор муносабатларига ўтилишига, бозор инфратузилмаларининг шаклланиши ва, энг асосийси, қишлоқ мулкдорлари ҳисобланган фермерларнинг мустақкам ривожланишига ҳуқуқий ҳамда иқтисодий замин яратмоқда. Фермерларнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан манфаатлари орттишига, ўз меҳнат самараларини ҳис қилишларига, авваламбор, ҳукумат томонидан улар фаолияти учун яратилаётган имкониятлар, шунинг билан бирга, мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган тур-

шоҳобчалари республикамизда фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, олти миңдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари бозориди шаклланган барча турдаги

банкнинг умумий капитали 18,8 миллиард сўми ташкил этган бўлса, акциядорлар ўртасида жойлаштирилган акциялар миқдори эса 6 миллиард сўмга етди ёки йил давомида 1 миллиард сўмлик банк акцияларининг эмиссияси тўла жойлаштирилди.

Капиталнинг барқарор ўсиши ва миқозлар сонининг орттиб бориши банкнинг ресурс базасини мустақкамлагани ҳолда банк учун "Кредит сиёсати"ни фаол юритишга молиявий замин яратди. Натижада, ўтган йилнинг ўзида банк томонидан иқтисодиётнинг турли йўналишларида фаолият юритаётган 31 миңта миқозларга умумий миқдори 42,9 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар берилиб, лизинг хизматлари кўрсатилди.

Шу жойда алоҳида таъкидлаш жоизки, ажратилган кредитларнинг қарийб 17 милли-

лион сўми ташкил қилди.

Бугунги кунда қайси бир фермер ёки мулкдордан банклар хизмати ҳақида сўрасангиз, улар ўзлари учун яратилаётган шароитлардан, кўрсатилаётган тезкор хизматлардан мамнулигини билдирадилар. Айни дамда, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз белгилаган тадбирлар ичида қишлоқда бозор инфратузилмаларини, жумладан тижорат банкларининг миқозларини тизимини шакллантириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу миқозлар фаолияти дала иши билан банд бўлган фермерлар меҳнат натижаларининг самарали бўлишига асосий омиллардан бири бўлмоқда, десак ҳато қилмаймиз. Ахир, экин-тикин ишларидан ташқари молиявий масалаларни ҳам туман

**Ҳамкорлар фикри:**

**Бизнинг фермер ҳўжалигимиз Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманида жойлашган бўлиб, 2000 йилдан бундан фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Ҳўжалигимизнинг асосий фаолияти пахта, галла, шולי ва пилла каби қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан иборат бўлиб, жами 316,1 гектар сугориладиган ер майдони мавжуд. Фермер ҳўжалигимизда 70 киши хизмат қилади.

Фермер ҳўжалигимиз шу йилдан бошлаб РАТБ "Фаллабанк"нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалининг миқозли ҳисобланади.

Пахта ва галла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш механизмига кўра, ушбу қисқа фурсат ичида ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилиб, 2006 йилда галла етиштириш харажатлари учун 6,8 млн. сўм, пахта етиштириш харажатлари учун 7,5 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдик.

Ушбу кредит маблағи ҳисобидан бўлажак ҳосилни етиштириш билан боғлиқ кузги ва киши мавсумдаги харажатлар, хусусан, уруғлик сотиб олиш, минерал ўғитлар ва техника хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга оширдик.

Ўз навбатида фермер ҳўжалиги томонидан етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида чорвачилик фаолияти билан шуғулланишни йўлга қўйдик. Бу борада банк ташаббуси билан 31 млн. сўм миқдорда кредит олишга муваффақ бўлдик.

Банк орқали расмийлаштирилган ва ажратилган ушбу кредит фермер ҳўжалигимизга нафақат қўшимча даромад олиб келди, балки моддий-техника базамизни мустақкамлашга, фермер ҳўжалигимизнинг янада кенгайишига ёрдам берди.

**Шавкат САЛОМОВ,**  
"Саид овул" фермер ҳўжалиги раҳбари.

ри миқдориди Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки томонидан республикамизнинг бешта қишлоқ туманларида

Жисмоний шахсларга РАТБ "Фаллабанк" томонидан замонавий теле-радио қурилмалари, музлатгич ва иситиш воси-

лан бирга, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтирослашган маҳсулотларига, айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтириш, бивосита молиявий кўмакка эга бўлишлари учун аниқ шароитлар яратмоқда.

2005 йилнинг ўзида банкнинг жисмоний шахсларнинг буортмалари асосида ажратилган микрокредитлари 500 миллион сўмдан ортгани ҳолда унинг қарийб 50 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқаришнинг истеъмол товарларини харид қилиш ёки хизматлардан фойдаланиш учун берилди.

Албатта, банк томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, аҳолига ўзаро манфаатли кўплаб омонат турларини тақлиф этиш асосида аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, банк ресурс базаси таркибидан жисмоний шахслар депозитлари улушини ошириб бориш ҳам банк томонидан ўзининг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаган. Бунинг билан бирга, банк томонидан аҳоли учун қулай жойларда ташкил этилиб, самарали фаолият юритаётган 146 та жамғарма шоҳобчалари орқали 40000 га яқин жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар натижасидан ҳам қўриш мумкин. Ўтган йил давомида аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги 2229,5 миллион сўмга ўсиб, яқунда 8303,4 миллион сўми ташкил этди. Бу эса, айтиш мумкинки, аҳолининг банкка, унинг барқарор фаолиятига бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз банк хизматлари бозорига кириб келиб, мустақкам ўрин эгаллай бошлаган хизмат тури пластик қарточкаларга асосланган бўлиб, бу хизмат тури 2005 йилдан бошлаб омаллаша бошлади. Ўзининг замонавий тўлов воситаси сифатида кўплаб ижобий ҳислатларига эга ҳисобланган "Пластик қарточкалар тизими" "Фаллабанк"да ҳам шаклланди. Жисмоний шахслар иштирокидаги ҳисоб-китобларда нақд пулсиз тўловлар улушини ошириш, чакана савдо хизмати соҳасида қулайликлар яратишда амалий ёрдам беришини инобатга олиб, банк томонидан ўтган йилнинг ўзида жисмоний шахслар ўртасида 60000 дан зиёд ана шундай қарточкаларни жойлаштирилиб, 500 та савдо терминаллари ишга туширилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, банк ўзининг 2005 йилдаги сифатли ва самарали фаолияти орқали республикамиз иқтисодиётининг ўсиши йўлидаги ишларда елкадош бўлмоқда.

Шу ўринда яна шуни ҳам алоҳида кўрсатиш мумкинки, банкнинг ўтган йилдаги фаолиятига банклараро "Ахборот рейтинг" компанияси томонидан мамлакатимизнинг 30 га

**"ФАЛЛАБАНК":**

**Миқозлар манфаати йўлида**

хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Молия бозориди барқарор фаолият юритиш ва банкнинг ўз миқозларига кўрсатилаётган хизматлар доирасини кен-

ард сўми қишлоқ ҳўжалик қорхоналари, айнан фермер ҳўжалиқларига берилган бўлиб, унинг 2 миллиард сўмдан ортиги фермер ҳўжалиқларига янги техника, эҳтиёт қисмлар

ёки вилоят марказида эмас, фермерга қулай ва яқин жойда хал қилиниши фермер учун олтин билан тенг вақтни тежаш, деганида.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан ташкил этилган ана шундай миқозлар сони йил якунларига келиб 19 тага, жами фаолият юритаётган миқозлар сони 72 тага етди. Алоҳида таъкидлаш керакки, банкнинг ўз ташаббуси билан қишлоқ туманлари ҳудудларида ташкил этилган жами миқозлар ҳозирда 63 та бўлиб, улар томонидан 10000 дан ортиқ, шундан 3000 та фермер ҳўжалиқларига сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида инвестициялар, хорижий инвестицияларни жалб этиш бугунги кунда долзарб йўналишлардан ҳисобланиб, банк томонидан ҳукуматнинг алоҳида

қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига ажратила-

талари, мебеллар, уй жиҳозлари, уй-жойни таъмирлаш, даволаниш, олий ўқув юртал-



ётган кредит линияси бугунги кунда самарали ўзлашти-

рида шартнома асосида ўқиш ва бошқа мақсадларда бери-

**Ҳамкорлар фикри:**

**Бизнинг "Темур Малик" масъулияти чекланган жамияти 2002 йилдан бундан РАТБ "Фаллабанк"нинг Навоий вилояти минтақавий филиали миқозли бўлиб келмоқда. Жамиятимизда бугунги кунда 375 киши ишлайди. Шу йиллар давомида бошқа миқозлар қаторида бизнинг "Темур Малик" масъулияти чекланган жамиятимиз ҳам банкнинг намунали ҳамда сифатли хизматидан фойдаланиб келди.**

2004 йилда жамиятга банк томонидан Конимех туманида касб-ҳунар коллежи қурилишини молиялаштириш мақсадида 249,0 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

2005 йилда эса Навбахор тумани "Иканд" ширкат ҳўжалигида 600 та ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи биноси қурилиши учун банк томонидан имтиёзли шартларда 588,2 млн. сўмлик кредит олишга эришдик.

"Фаллабанк"нинг Навоий вилояти минтақавий филиалининг намунали хизматлари эвазига жамиятимиз томонидан ўтган 2005 йилда жами 1 988,2 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ҳамда 2005 йилни 55,1 млн. сўм соф фойда билан якунладик.

Бундан ташқари, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан бериладиган кредит олиш учун қилган барча мурожаатларимиз ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Банк томонидан ишчи ходимларимизнинг ойлик иш маошлари ўз мuddатиди нақд пул билан таъминланиб келинмоқда. Банк билан ҳамкорлигимиз туфайли жамиятимизнинг ишлаб чиқариш фаолияти кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Шунинг учун "Фаллабанк"нинг Навоий вилояти минтақавий филиали томонидан бизнинг жамиятимизга кўрсатилаётган намунали ҳамда сифатли хизматларидан миннатдоримиз.

**А.ХОЛИҚОВ,**  
жамият раҳбари.

ли йўналишлардаги, хусусан, кредит, лизинг ва бошқа молиявий воситалар асосидаги иқтисодий кўллаб-қувватлаш-

гайтириш, уларнинг бизнесини турли молиявий воситалар асосида кўллаб-қувватлашнинг манбаи капитал бўлиб, бу ма-

сотиб олишлари учун берилди.

Масалан, Фарғона вилоятидаги "Кўёшхон" фермер ҳўжалиги томонидан банк кредитлари ҳисобига қамбай, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Исмоил", "Шериммат ҳожи Акбар" ва "Н.Қазбек", Бухоро вилоятидаги "Баҳром-Ихтиёр" каби ўнлаб фермерлар замонавий турдаги "ВТ-150" тракторлари ва бошқа техника воситаларини сотиб олиб, нафақат ўз ҳўжалиқлари юмушларини бажариш, балки қўшни фермерларга шартномалар асосида хизматлар кўрсатиш асосида қўшимча даромад манбаларини кўпайтирмоқдалар.

Ўтган йил давомида банкнинг лизинг хизматларидан фойдаланган миқозлар, айниқса, фермерлар сони ҳам ортиб, янги қишлоқ ҳўжалик техникаси, ускуналар харид қилиш мақсадларида амалга оширилган банкнинг лизинг хизматлари ҳажми 503,1 мил-

**Ҳамкорлар фикри:**

**Фермер ҳўжалигимиз 2004 йилнинг ноябр ойидан бошлаб РАТБ "Фаллабанк"нинг Қашқадарь минтақавий филиали миқозли ҳисобланади.**

Фермер ҳўжалиги томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, уларнинг таннархини арзонлаштириш, шунингдек, фермер ҳўжалигимиздаги қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан муаммоларни хал қилиш мақсадида, ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилиб, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки кредит линияси ҳисобидан қишлоқ ҳўжалиги техникаларини, жумладан, "Енисей 1200-1" русумли қамбай ва ТТЗ-80.11-русумли тракторини сотиб олиш учун 45 009,23 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти миқдорда кредит олдик.

Ушбу кредит маблағи ҳисобидан сотиб олинган қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланганимизда ҳўжалигимиз фаолияти анча яхшиланди, хусусан, галла ўримида иш унумдорлиги ошди ва ерга сифатли чўқур ишлов берилмоқда. Ҳўжалигимиз 2005 йилни 40 млн. сўм даромад билан якунлади.

Ўз навбатида, кредит ҳисобидан олинган техникалар эвазига қўшимча учта иш ўринлари ташкил этилди. Банк орқали расмийлаштирилган ва ажратилган ушбу кредит фермер ҳўжалигимизга нафақат қўшимча даромад олиб келди, балки моддий-техника базамизни мустақкамлашга, фермер ҳўжалигимизнинг янада кенгайишига ёрдам берди.

**Амир ЯРМАНОВ,**  
фермер ҳўжалиги раҳбари.

дастури асосида Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки маблағларини шу соҳага жалб этиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга молик.

2003 йилдан бошлаб банк учун III-босқичда умумий қиймати 1,7 миллион АҚШ долла-

рилмоқда. Масалан, Қашқадарь вилоятининг Нишон туманидаги "Тошбиби момо", "Юлдузобод", "Бозоров Баҳодир", Сурхондарь вилояти Шеробод туманидаги "Қодир Бегимкулов", "Ғанишер Боймурод Ҳаким", "Абдиев Шодди Амин", Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги "Ислом", "Омил ота", "Пиримкулов" каби фермер ҳўжалиқлари мана шу линия ҳисобидан ажратилган банк кредитлари эвазига янги қишлоқ ҳўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кичик технологик қурилмалар сотиб олишди.

Банкнинг миқозларга, хусусан, жисмоний шахсларга мўлжалланган хизматлари ўтган йилдан бошлаб истеъмол товарлари ҳамда истеъмолни қондириш мақсадларида бериладиган микрокредитлар ҳисобига янада кенгайди.



ладиган микрокредитлар, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ўз даромадларидан режали асосда фойдаланиш имкониятларини яратиш би-

яқин банклари ўртасида ўтказиб борилган рейтинг натижаларига кўра фахрли учинчи ўрин берилди.

**Ханифа ШАМШИЕВА**



дан тортиб, қишлоқ туманларининг чекка қишлоқларида ташкил этилаётган миқозлар асосида хизматлар кўрсатиш ишлари ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ ҳўжалик соҳасини молиявий кўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислохотлар бора-бора РАТБ "Фаллабанк" томонидан ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилиб, мазкур банкнинг мамлакатимиз молия бозоридидаги муваққатли бозоридидаги барқарор ривожланиб келмоқда. Албатта, бундай ишлар рақамларга мурожаат қилинганди янада ойдинлашади.

Банкнинг бугунги кунга келиб 32 та филиали, 72 та миқозлар, 146 та жамғарма

**Ҳамкорлар фикри:**

**Мен 2000 йилдан бери РАТБ "Фаллабанк" миқозли бўлиб, ўз бўш пул маблағларимни мuddатли омонат турларига қўйиб, фойдаланиб келмоқдам.**

Миқоз сифатида банкнинг барча хизматларидан мамнунман. Банк томонидан омонатчилар учун тақлиф этилаётган қуйидаги, устама фойзи йиллик 60 фоиз, мuddати 3 йил бўлган "Капитал", устама фойзи 30 фоиз, мuddати 1 йил бўлган "Қувонч", устама фойзи йиллик 35 фоиз, қисқа мuddатли "Мустақиллик", "Янги йил", "Равнак" каби турли мuddатли омонат турларидан фойдаландим. Шу вақт ичида маблағларимни ва уларга ҳисобланган фойзаларини ўз вақтида ва тўла-тўқис олиб келмоқдам.

Дастлабки вақтларда банкдаги мuddатли омонат жамғаримдаги маблағим 700 000 сўмдан иборат бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб омонат қолдигим 5 000 000 сўмга етди. Банкнинг миқозларга яратган қулайликлари жуда хилма-хил. Жумладан, мuddатли омонатларимдан олган фойзаларимни шу ернинг ўзида коммунал тўловлари учун тўлаш, фарзандларимнинг ўқишларига шартнома тўловлари ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятига эгаман.

Шу ўринда банк томонидан омонатчиларга яратилган яна бир қулайлик — банкнинг пластик қарточкалари эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу замонавий муомала воситаси орқали бизга республикамизнинг турли ҳудудлариди тўловларни амалга ошириш имконияти тугилди.

"Фаллабанк" миқозли бўлганимдан хурсандман. Чунки шу банк туфайли маблағимни тўри сарфлаш ва уни кўпайтиришга эришяман.

**Асия ДУСТМУХАМЕДОВА,**  
Тошкент шахри.

(Боши 1-бетда)

Уқиллар туганидан кейин, ҳаммамиз хар томонга тарқалиб кетдик. Акбарали пойтахтга келиб ўқиди, малакали врач бўлди. Акбарали ота касбини эгаллаб, қишлоқда қолди. Ота-си тирикчиликдаёқ номи чиқиб, катта кичик "Уста Аскар" деб чакиради...

Кички таътилда Акбарали болаларини олиб аксаи Акбаралининг меҳмонга келади, ёзда Акбарали оиласи билан отасидан қолган ҳовлида бирикчи ой яшар, дам олади.

Ука "Акам оддий бир уста, бировларнинг ишини қилиб кун кечиради, болалари ёш, қийналиб қолмасин тагин", дея

ча йил қўлимни ушлаб турган нарса ҳам шу — ҳамюртлик хисси. Аммо ёзма сабулмайди-ган воқеа. Шомурод акага "шоввоз" лақабини ким қўйганини айтади. Аммо у киши билан бир марта қўришган одам бу лақаб унга бежиз қўйилмаганлигини дарҳол аниқлади. Шомурод ака, лофи билан айтганда, бир ерда бир пилва чой ичилгудек вақт қўним топиб ўтирган эмас. Шовгани-шовгани: хали у бозор бошида, хали бу гузар ўртасида. Гоҳ-гоҳ хафта-ун кун, баъзида эса ойлаб дом-дараксиз кетади. Қиш оқшомларида бўладиган тўй базмларида илондек эшилиб

қақшатиб, яна қаёққадир гўмдон бўлди.

Ассосий ханго-ма шундан кейин бошланди. Шомурод шоввоз тоғамиз Унғортоғининг нариги ёғидаги бека аёлдан ҳам иккита фарзанд кўрган эканлар, бир пайт десангиз, биттаси, худди отасиникидай мўйловини бураб, қишлоққа кириб келдию "Отамдан қолган мерос қани?" дея жанжални бошлаб юборди. Ота бир, она бошқа ким



хануз сир-синаотига ета олмаган бу дунёнинг жамики илгарини, жон ерларини ушлаб тураркан. Йўлинг боши экан, бу оила деганлар.

Хар бир ота-она оилада шу жамиятнинг бўлақак аъзоларини тарбиялайди. Тарбияланувчиларнинг аклан ва хисмонан баркамоллиги эса жамият тарраққотишига бевосита бориб тақалади. Аксинча, заиф, бебош ва ахлоқсиз бола — оқибат натоқанда жамиятнинг нотинчлигига олиб келади. Емон ва сифатсиз масалликдан малакали ошпаз ҳам мазали таом тайёрлай олмагани каби, бола тарбияси оиладаёқ бузилган бўлса, у ёшлигиданоқ ахлоқсизликка, диёнатсизликка ошно этилган бўлса, кейинги хар қандай уриниш қутилган натижага олиб келмайди.

Оила кенг маънода тарбия ўчоғидир. Бола ўша ота-онани мисолида меҳнат қилишга, ҳисоб-китобга, фикрлашга ўрганади. Ота-онанинг бутун ҳаёти — яхши томонлари ҳам, ёмон томонлари ҳам, муаммолари, бир-бирига садокати ё аксинча: ишқамаслик, қўрқил, хиёнат, харомдан ҳазар қилмаслик каби иллатлар болалар кўз ўнгиде кечади. Ёш ниҳол-қўз буларнинг ҳаммасини худди ойнада кўраётгандек қўриб, ҳис этиб туради. Оиланинг энг катта масъулияти, таъбир жоиз бўлса, иктимойи моҳияти ҳам айнан мана шунда.

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ

Юртимизда Наврўзи олам шуккуи кезаётган бугунги кунларда ўзининг қўтлуг 60 йилини қарши олаётган таниқли журналист, ҳозиржавоб публицист, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг Бош муҳаррири Ахмаджон Мелибоевни икхдий жамоамиз ва барча газетхонлар номидан муборакбод этамиз.

Сиз қандай ўй қурмоқчисиз?

Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири қишлоқ аҳолисига тўқис ва мукамал турмуш кечириши учун, иктимойи, иқтисодий, маданий шарт-шароитларни яратишдир. Ана шундай ҳаётий таъшилар қаторида қишлоқ оилаларининг уй-жойлар қуриш муаммолари етакчи ўрнини эгаллаб келмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, экин экиладиган майдонлар ҳисобидан аҳолига уй-жой қуриш учун республикамиз бўйича юзлаб гектар ер майдонлари ажратилди. Авваломбор, уй-жой қурмоқчи бўлган хар бир оила, табиийки, уйнинг бежиримлиги, фойдаланишга қулайлиги ва

арзон қурилишини кўзда тутди. Бунинг учун уйнинг тархи ва тарзи ёхуд лойиҳасининг ечими шундай бўлиши керакки, унда уй қуришдаги муайян тарихий халқчил анъаналар, қишлоқ оилаларининг турмуш тарзи ва эҳтиёжлари, маҳаллий табиий иқлим шарт-шароитлари ва қурилиш материаллари эътиборга олиниши шарт. Бугунги кунда шундай лойиҳалар яқна тартибда уй қурувчи қишлоқ аҳолиларига сув ва ҳаводек зарур.

Афсуски, бундай лойиҳалар устида

жиддий бош қотирилмаётир ва бу каби лойиҳалар тақдим этилмаётир. Баъзилар имкониятидан келиб чиқиб, ўзи билганча уй қуришмоқда.

Агар шу ишга бирор ташкилот бош-қош бўлса, қишлоқ уйлари лойиҳалари бўйича танловлар эълон қилса, тақдим этилган энг яхши лойиҳалар оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқ-тарғиб қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар ади.

Шунда уй қурувчилар ўзларига мақбул лойиҳага бюртма бериб, шу асосда уй-жой қурсалар, қишлоқларимиз ҳусни янада гўзаллашган, одамлар хар томонлама қулай, бежирим уйларида яшаш имкониятига эга бўларди.

Дилдора КОБУЛОВА

Икки йил тарбия-Икки йил тақдир

хар борганида уч-тўрт сўмини белига тугиб боради. Жиянларига кийим-кечак олади, бирортаси оғриб-нетиб қолса, дори-дармонидан хабар олиб туради. Ака бўлса "Шаҳарда яшаш осон эмас, сувдан ташқари ҳамма нарса бозордан олиш керак", дея хар келганида сариёғдан туршаккача, помидор қоқидан олма-ноқкача олиб келади, шаҳарга қўнғатган машиналардан томорқасида етиштирган пивё, картошка бериб юборади. Қўй сўйса, ҳеч бўлмаганда, битта қўлини ука-сига илланади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, ака-укаларнинг болалари ҳам бир-бирларига ахил-инюк бўлиб ўсишди. Ота-оналарига ташвиш келтирмай, ўзалари ўқиб, ўзалари йўлларини топиб кетишди. Қишлоқда аканинг, шаҳарда аканинг уйдан совчилар ари-майди. Бўйи етиб қолган қизларига ҳавас қилмаган киши йўқ...

Мен ёзмақчи бўлган иккинчи оила ҳам ўзимиздан. Шун-

рақсага тушади, уч-тўрт сўм қис-тиришаётганча ўртадан чиқмайди. Кейин-кейин маълум бўлдики, Шомурод шоввоз бошқа бир қишлоқда ҳам бир беванинг бошини айлантириб, ора-чира уйига кўноқ бўлиб юраркан.

Алқисса, Шомурод аканинг фарзандлари деярли ота тарбиясини кўрмай ўсишди. Нима қилиш керак, нимани қилмаслик керак — билишмади. Ота уларни халоллик, поклик кўчаларига бошламади. Одобга ўргатмади. Улар бевоси, бевандиша, бировнинг ҳақидан кўрмайдиган бўлиб улғайишди. Катта ўғли икки марта ўғирлик қилиб қўлга тушди, маҳалла орага тушиб қўтқариб қолди. Аммо учинчи гал ўртага тушишга ҳоҳат қолмади. Уртанча ўғил ҳам тентираб уйдан чиқиб кетди. Орадан неча йил ўтгач, ўзидан анча катта битта «кирчани»ни ўғай боласи билан эргаштириб кириб келди. Бир ойна яшашди. На маҳаллага, на қариндош-уруғга қўшили олди. Охири ота уйда нима бўлса, барисини сотиб, укаларини

биродар муштлашиб, бир-бирларини майиб қилишди...

Бу воқеаларга анча йиллар бўлган. Ҳожиқул ота, Шомурод шоввоз, уларнинг кетидан бевалари ҳам бирин-кетин оламдан ўтишди. Турфа хил ҳолатларда тарбия толган ўғил-қизлар ҳам улғайишди, набиралар овёкка турди. Вожаба, бу дунё ҳуб ажиб дунё экан. Шойр айтмоқчи "англаб бўлмас сир экан...". Боболарнинг феъл-атворлари оталарда, оталарники болаларда, набираларда давом этаркан. Кимнинг шурига нима сингдирилган бўлса, ким уясида йўлдан кўрган бўлса, ўша йўлдан кетаркан, ўша ишни қиларкан. Қайтар дунё экан, бу дунё! Оила деганларни митти бир иттиқок, митти бир махон экану одамзод шунча йил яшар,



"Машъал" дуранг ўйнади, "Пахтакор"...

22 март кунни Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари 2-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этаётган мамлакат чемпионлари "Пахтакор" ва кушум медал соҳиби "Машъал" клублари ҳам рақибларига қарши майдонга тушди.

"А" гуруҳидан жой олган "пахтакор"чилар Кувайтнинг "Ал-Кодисия" клуби меҳмони бўлди. Бир қатор ёш иқтидорли футболчилар билан сафарда тўп сурган вакилларимиз сўнгги дақиқаларда ўтказиб юборилган икки гол эвазига мағлубиятга учрашди - 2:1.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса Суриянинг "Ал-Иттиҳод" ва Эроннинг "Фулад" клублари ўзаро кун синишиб, 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани кайд этди. Кейинги турда "Пахтакор" - "Фулад" клубини қабул қилса, "Ал-Иттиҳод" ўз майдонида "Ал-Кодисия"ни синовдан ўткази.

"В" гуруҳидан жой олган Муборакнинг "Машъал"и эса, Бирлашган Араб Амириклари-нинг "Ал-Айн" клубини қабул қилди. Тенгма-тенг курашлар остида ўтган мазкур ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Бу гуруҳдаги "Ал-Хилол" (Саудия Арабистони) ва "Ал-Минаа" (Ироқ) жамоалари ўртасидаги ўйинда 3:1 ҳисоби билан Саудия Арабистон клуби ғалаба қозонди. 3-турда "Машъал" - "Ал-Хилол"га қарши ўз майдонида тўп сурса, "Ал-Айн" "Ал-Минаа" меҳмони бўлади.

"С" гуруҳидаги баҳсларда "Ал-Ваҳда" (БАА) ва "Ал-Жарафа" (Катар)ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Эроннинг "Саба-Баттери" клуби ўз майдонида "Ал-Жарама" (Сурия)га имкониятни бой берди - 1:2. 3-тур: "Ал-Карама" - "Ал-Жарафа", "Ал-Ваҳда" - "Саба-Баттери".

"Д" гуруҳи: Катарнинг "Ал-Садд" клуби "Ал-Араби" (Кувайт) устидан йирки - 4:1 ҳисобида устун келди. "Ал-Кува Ал Жауния" (Ироқ) эса "Ал-Шабаб" (Саудия Арабистони)га бундан-да йиркироқ - 0:4 ҳисобида мағлуб бўлди. 3-тур: "Ал-Шабаб" - "Ал-Араби", "Ал-Садд" - "Ал Кува Ал Жауния".

"Е" гуруҳи: "Далион Шиде" ва "Чонбук Хюндай" клублари ўртасидаги ўйин 1:0 ҳисобида меъзолар фойдасига ҳал бўлган бўлса, "Гамба Осака" (Япония) ва "Да Нанд" (Вьетнам) клублари ўртасидаги ўйин футболда камдан-кам кузатиладиган натижа билан якунланди. Ўз майдонида тўп сурган япониялик футболчилар "Да Нанд" дарвозасига жавобсиз ўн бешта тўп киритишди.

Ушбу гуруҳлардаги 3-тур ўйинлари 12 апрел кунни ўтказилади. "F" ва "G" гуруҳларида бор-йўғи иккитадан жамоа иштирок этаётганлиги сабабли жавоб учрашувлари 3 май кунни бўлиб ўтади.

Кучлиларсиз Бельгияга қарши

Елена Дементьева, Надежда Петрова, Мария Кириленко ва Динара Сафиналар теннис бўйича терма жамоалар ўртасида ўтадиган Федерация кубоғи баҳсларида Россия терма жамоаси шарафини ҳимоя қилишади.

Худди шу таркибини Россия теннис федерацияси президенти ва терма жамоа сардори Шамил Тарпищев маълум қилди. Мухлислари нега таркибга Мария Шарапова ва Анастасия Мыскина каби теннисчилар жалб этилмаганлиги қизиқтираётгани табиий.

Анастасия ушбу мавсум фавкат ўзи учун ўйнашини маълум қилган. Мария Шарапова эса ўтган йил олган жароҳатидан тўла қутилмаган ва бирданига қўлга мусобақаларда иштирок этиши учун ўзида етрали кун йўқлигини таъкидлаб ўтган.

Бельгия терма жамоасига қарши ўтадиган Россия теннисчиларининг мазкур баҳсларида Светлана Кузнецова ҳам ватандошларига ёрдам бермаслигини айтиб ўтди. Унинг бу қарорга келишига ўтган йил Бельгия спорт вазири томонидан допинг моддаси қабул қилганлигида айбонлиги сабаб бўлмоқда.

22-23 апрел кунлари ўтадиган Федерация кубоғи беллашуларида бельгиялик таниқли теннисчилар Жюстин Энен-Арденн ва Ким Клейстерслар ўз ватани шарафини ҳимоя қилишади.


Жарима — беш минг доллар

Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА) раҳбарлари "Майами Хит" клубининг таниқли ўйинчиси Шакил О'Нилни 5 минг АҚШ доллари миқдорда жарима тўлашини маълум қилди. Баскетболчининг бундай жазога тортилишига "Чикаго" аъзоси Андреас Ночиниға ўйин вақтида ишлатган кўполлиги сабаб бўлди.

О'Нил шанба кунни "Майами Хит" ва "Чикаго" ўртасидаги учрашув вақтида рақибига нисбатан кўполлик ишлатганини айтиб ўтди. Ушбу ҳисобда Шакил О'Нил жамоаси фойдасига ҳал бўлган.

Маълумотларда келтирилишича, Шакил бу йил ўзининг ўн тўрт йиллик фаолиятини нишонлайди. Марказда ўйнайдиган бу баскетболчи хар доим жамоасининг асосий ўйинчиларидан бири бўлиб келган. Шунингдек, тадқиқотчилар уни ўртача бир ўйинда 26,3 очко жағғара олишини ҳамда бирор марта жароҳат олиб, ўйиндан ташқари ҳолатда қолмаганлигини ҳам маълум қилишган. Айни вақтда "Майами Хит" Шаркий конференцияда етакчилар қаторида бормоқда. Чемпионлик унвонига номзод саналаётган бу клуб ҳозирча ўзидан "Детройт" клубини ўтказиб юборган, ҳолос.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT "ПАХТА БАНК"
Ўз акциядорларини ва мижозларини, бутун Ўзбекистон жалқини мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган "НАВРЎЗ" байрами билан қутлайди ва Сизларга янги "НАВРЎЗ" муддатли ТАКЛИФ ЭТАДИ!
Мазкур омонатга маблағлар 2006 йилнинг 22 мартдан 31 мартгача бўлган даврда 2 ой муддатга, йиллик 27 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 100 000 сўм миқдоридан банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.
Шунингдек, Сиз "Пахта Банк" тизимида мавжуд 18 фоиздан 24 фоизгача бўлган 15 турдаги манфаатли омонат турларига маблағлар қўйишингиз ҳамда сўм пластик карточкаларидан фойдаланишингиз мумкин.
Омонатга қўйган пул маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
"ПАХТА БАНК" ФАРОВОНЛИГИНГИЗ МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 78-20-98, 78-10-32

Диққат, кимошди савдоси!
Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Бўстонлик" ширкат хўжалиги махсус тугатиш ҳамда фермер хўжалиқларига айлантириш комиссияси томонидан шу ширкат хўжалигига тегишли бўлган қўйидаги бино ва иншоотлар қайта кимошди савдоси орқали сотилади.
1) Ширкат хўжалигига тегишли бўлган марказий ошбор (худудидидаги ер майдони билан). Бошланғич баҳоси - 70 740 550 сўм.
2) "Оқота" чорвачилик фермаси (485,4 га яйлов ва пичанзор майдони билан). Бошланғич баҳоси - 80 107 857 сўм.
3) Ширкат хўжалигига қарашли идора. (худудидидаги ер майдони билан). Бошланғич баҳоси - 14 090 488 сўм.
4) АЕҚШ (АЭС) (худудидидаги ер майдони билан). Бошланғич баҳоси - 24 688 200 сўм.
Очик кимошди савдолари 2006 йилнинг 26 март кунни соат 10:00 да Бўстонлик тумани "Бўстонлик" ширкат хўжалигининг идора биносида ўтказилади. Кимошди савдоларида катнашиш истагини билдирганлар 2006 йилнинг 22 мартга қадар 10 фоизлик тўловни амалга ошириб, ариза билан мурожаат қилишлари шарт.
Манзил: Бўстонлик тумани, Ғазалкент-2 қишлоғи, "Бўстонлик" ширкат хўжалигининг идораси. Тел: 8-274-22-556.

Бош муҳаррир УТКИР РАҲМАТ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар
ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР
"Қишлоқ ҳаёти" материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Навбатчи: Ш.САНАЕВ
Сахифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ
Бош мусаххих: Х.ТОШХУЖАЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Хабр"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-517, ҳажми кўзга босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: Адади -17780.
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сахифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5